Здесь приведены 8 принципов создания устойчивого города, которые состоят из следующих: охрана и возрождение исторических городов и районов; энергоэффективность и создание микроклимата; оздоровление загрязненных участков; объединение финансовых возможностей муниципальных субъектов; утилизация твердых отходов; создание бесперебойной системы водоснабжения и канализации; повышение роли и эффективности общественного транспорта; социальная интеграция всех слоев населения. Во всем мире устойчивость уже давно является неотъемлемым компонентом города. История показывает, что во все периоды, она проявлялась по-разному. Анализ устойчивого градостроительства прошлого поможет вывести ключевые его элементы на поверхность. Основные особенности устойчивого градостроительства разного периода развития могут быть использованы для создания устойчивых городов. На основе этих характеристик определены две ключевые стратегии: стратегия улучшения будущего и создания прочной городской среды. Здесь подразумевается возмещение экологических качеств и систем в городах, путем образования искусственно созданных природных ландшафтов. Доклад Брундтланда оказал сильное влияние на теорию и практику градостроительства и стал основой концепций и принципов устойчивого развития за прошедшие несколько лет. Одним из частых упоминаний итогов этих целей является Фрайбургская хартия<sup>21</sup>, где определены три принципа устойчивого развития: пространственное развитие, содержимое и процесс. Данные принципы представляют рекомендации по разработке устойчивого города. Основными целями устойчивого градостроительства являются компактность, плотность и природная доступность для человека.

**В третьей главе под названием «Совершенствование локальных городских территорий и узлов»** изучены вопросы архитектуры и новые принципы развития городов в годы Независимости. В данной главе приводятся методы организации и реконструкции локальных зон, учитывая при этом концептуальное развитие всей территории. Принципы и методы гармонизации групп зданий, архитектурных ансамблей и комплексов, Даны обоснования к применению метода локального проектирования и его преимущества, приведены предложения и рекомендации по данному вопросу.

Обретение Независимости Республикой Узбекистан, положило начало и новому градостроительству. Происходящие коренные изменения в социально-экономической ситуации в стране: новые условия управления хозяйством,

---

<sup>21</sup>Daseking W, Kцhler B, Kemnitz G (2012) The Freiburg charter. Stadtplanungsamt, Freiburg



рыночная экономика, отношение к собственности потребовали новых подходов к градостроительному проектированию. Этот период характеризуется развитием малого и среднего бизнеса, увеличением доли частных инвесторов в строительстве, застройкой малоэтажными жилыми домами частного сектора, вызванной снятием запретов на индивидуальное жилье. Отход от жесткого государственного планирования определил неприемлемость разработки генеральных планов, полностью основанных на государственных инвестициях.

Первый генеральный план независимого Узбекистана разработан в 1997 году в ТашНииПИгенплан. Впервые город рассматривался как Большой Ташкент – включающий столицу с близлежащими пригородными территориями. Здесь нельзя не отметить о существовании аналогичной программы проектирования Большого Парижа, которая включает первое кольцо пригорода и является частью проекта Парижской метрополии. Новая схема генерального плана — это симбиоз технико-экономического обоснования генплана и собственно генерального плана города. Это обусловлено отсутствием необходимости жесткого регламентирования использования территории. Генеральный план имеет структурный каркас с основными городскими узлами и общегородской инфраструктурой-что обеспечивает проекту гибкость и жизнестойкость. Расчетная дата нового генерального плана являлась на 2015 год, при росте населения до 2,7 млн. чел на территории 42 тыс. га.

Условия независимости позволили развивать жилищное строительство за счет индивидуального сектора и с большими темпами. Это пошло в разрез старым догмам тогдашних генеральных планов. Разрушение старой системы деформировало и главное условие градостроительства - базу градообразующих кадров. А это было основным критерием существовавшего в советское время метода функционального градостроительства, принятого на вооружение Всесоюзным съездом градостроителей в 1957г.

Сегодня приоритетной задачей развития территории является не приблизительный прогноз развития города на отдаленный срок, приводивший к необоснованному расширению его границ, а реконструкция и развитие отдельных (локальных) территорий. Согласно такой доктрины, города необходимо развивать по мере возможности в границах существующих территорий, их нужно сохранять, поддерживать и восстанавливать, причём решать эти задачи следует на всех уровнях управления.

Проведенный анализ градостроительной ситуации в Узбекистане позволил выделить шесть разновидностей локально-градостроительных систем, различающихся по территориальной общности, градостроительной функции и пространственной организации:

- ЛГС исторической части города, исторических ансамблей и комплексов;

- ЛГС жилых кварталов, жилых групп;

- ЛГС городских парковых зон, территории естественных и искусственных природно-ландшафтных образований (набережные каналов, озер, рек и т.п.);

- ЛГС центральных городских улиц и их пространств;

ЛГС административно-общественно-делового центра с прилегающей площадью;

ЛГС производственно-складских объектов

Далее, наряду с вышеперечисленными методами и решениями, диссертантом приводится ряд рекомендаций по развитию жилых ЛГТ.

При реконструкции ЛГТ сложившейся жилой застройки следует: разработать локальный план развития ЛГТ, на основе концепции (схемы) развития города. Здесь важно учитывать непрерывность пешеходных озелененных бульваров, протекающих сквозь данную территорию, зоны делового бизнес сектора, как правило, расположенных линейно, к магистралям городского и районного значения, ограничения по этажности различных сегментов ЛГТ (как правило это касается зданий, выходящих фасадами на главные улицы, для сохранения эстетического облика и восприятия уличного пространства); сочетать все методы реконструкции (щадящий, частичный, радикальный), применяя их фрагментарно на нужных участках; формируя новую структуру необходимо учитывать сложившиеся устойчивые основы, для успешного их включения во вновь создаваемую; необходимо разместить наиболее равномерно объектов общего пользования (магазинов, стоянок, объектов обслуживания); выделить первые этажи периметрально расположенных домов под объекты торговли и обслуживания; выделить помещения (с разрешением дополнительных пристроек и отведением территории придомового участка на площадки) на первых этажах в домах, расположенных в центральных частях ЛГТ для создания дополнительных детских садов с небольшим количеством групп; выделить территорию махалинского центра-гузара, с дополнительными помещениями (для учебных курсов, цехов по пошиву одежды, пекарнь и др.), способствующих трудоустройству и занятости местного населения; организовать систему многоуровневых автомобильных стоянок, исходя из потребностей населения; придерживаться социально-ориентированного подхода в организации пространственного планирования, который заключается в выявлении локальных сообществ местного населения, выявление потребностей населения и бизнеса, определении точной территории проектируемых объектов, с целью повышения привлекательности ЛГТ.<sup>22</sup> Надзор за упорядоченностью новых объектов и старой застройки, с целью предотвращения неблагоприятного архитектурно-планировочного, эстетического и сегрегационного воздействия внедряемых точечных объектов.

При организации ЛГТ новых жилых комплексов необходимо: придерживаться соответствующих пунктов, приведенных выше для реконструкции сложившейся территории; организовать помещения для малого и среднего бизнеса на первых этажах в домах, расположенных на пути наибольших людских потоков и скоплений жителей; точно расположить объекты безвредного производства в структуре ЛГТ; сохранить метод

---

<sup>22</sup> Евстафьев А. И. Авдеева Т. Т. Регулирование пространственного развития города на основе девелопмента локальных территорий. Экономика. Москва. С. 120.

размещения школ и детских садов в центральных, наиболее безопасных от транспорта участках ЛГТ; организовать сеть велосипедных дорожек наряду с пешеходными связями как во внешних, так и во внутренних участках ЛГТ.

Преобразования, происходящие в градостроительстве Узбекистана, не могут не отразиться в будущих генеральных планах. Промышленные предприятия Республики так же должны отвечать всем современным требованиям. При соблюдении всех норм такие объекты могут быть максимально приближены к жилой застройке. Так же в планировании развития города следует учесть и объекты малого и среднего бизнеса: объекты торговли и обслуживания; небольшие предприятия безвредного производства; частные медицинские и образовательные учреждения и др.

Прослеживается появление новых тенденций, таких как, широкое вовлечение в структуру города ландшафтной архитектуры, в том числе создания зеленых поясов, клиньев и коридоров в структуре города, организация в центральных частях городов комплексов многофункциональной индивидуальной застройки, организация и размещение объектов малого и среднего бизнеса.

## **ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

В результате проведенных исследований в рамках диссертации доктора философии (PhD) на тему: «Структурообразование локальных городских территорий и узлов» представлены следующие научные выводы:

1. Выявлено, что происхождение городов на территории Узбекистана восходит к началу первого тысячелетия до н.э., которые формировались на основе трех композиций: вар, двухчастные (которые по мере развития переросли в трехчастные), регулярные (дуальные).

2. Определено появление в XIX веке новых принципов развития трехчастной городской структуры по веерно-лучевой композиций, которая привела к игнорированию традиций естественного роста исторической городской ткани.

3. В результате исследования планировочных структур исторических городов выявлены следующие традиционные планировочные элементы и градостроительные узлы, формирующие ЛГС современных городов Узбекистана: даха, махалля, гузар, чорсу, раста, тим, хиябан.

4. Доказано, что в современной мировой практике градостроительства наблюдается отход от принципов экстенсивного градостроительства и идет процесс перехода к устойчивому развитию городов.

5. Выявлены следующие особенности прогрессивного метода локальной реконструкции городов.

трансформация грандиозных производственных территорий под объекты малого и среднего бизнеса, рекреационные, культурно-просветительные, жилые назначения;

широкое внедрение в практику градостроительства приемов устройства зеленых коридоров, клиньев, поясов и приемов ландшафтного дизайна;

создание устойчивого развития городов, с образованием «Безопасного города» и «Умного города».

6. Доказана целесообразность перехода от проектирования моноструктурных населенных мест к территориям полифункционального назначения.

7. При разработке новых генеральных планов рекомендуется руководствоваться следующими градостроительными приемами:

организация центральной городской улицы застраиваемой жилыми зданиями с объектами социального, культурно-бытового и торгового и других видов обслуживания;

балансированное размещение объектов малого и среднего бизнеса, по всей городской территории привело в целях дифференциации производственных зон.

8. Определены принципы структурообразования локальных территорий и узлов, обеспечивающих условия устойчивого развития «Умных городов».

9. Тенденции развития таких территорий сводится к следующим пространственно-планировочным типам: а) компактной единой локально-градостроительной территории; б) разветвленной сети или концентрированного градостроительного узла.

10. В результате анализа социально-экономического и современно планировочного использования локально градостроительных систем (ЛГС) выявлены:

а) морфологические (структурные) типы ЛГТ:

линейные – улица, водотоки, набережные, бульвары;

плоскостные – район, жилые группы, территории промышленных зон, парки;

б) морфологические (структурные) типы градостроительных узлов, характерные для городов Узбекистана;

концентрически компактные узлы – деловые центры города; промышленные центры, транспортные узлы, свободные экономические зоны.

системно рассредоточенные узлы – исторические комплексы, взаимосвязанные торгово-туристическими улицами, городские парки, взаимосвязанные линиями набережных, бульваров, аллей.

11. Выявлено, что инвестиционная привлекательность различных ЛГТ в структуре города неоднородна. Строительство одинаковых зданий будет иметь разную покупательскую стоимость в зависимости от различных факторов: расположенности относительно центра города, организация транспортных систем, наличие мест приложения труда и досуга, наличие инфраструктуры и др. Предлагается проведение анализа экономической стоимости отдельных ЛГТ, на основе которого следует рассчитывать плотность застройки.

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ДИНАРА АНВАРОВНА**

**ШАҲАРСОЗЛИҚДА МАҲАЛЛИЙ ҲУДУД ВА МАРКАЗЛАРНИ**  
**ТАРМОҚЛАНТИРИШ**

**18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик.**  
**Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва**  
**иншоотлар архитектураси**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/А6-рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рейимбаев Шурат Саъдуллаевич**  
архитектура фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Салимов Арифжан Муслимович**  
архитектура доктори, профессор

**Балгаев Абдисамад Балгаевич**  
архитектура номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкентбошплан ЛИТИ ДУК**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.:+99871 237-11-37, факс: +99871 241-15-11. e-mail:devon@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кучаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Нозилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

**Т.Ш. Маматмусаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

**Т.А. Ҳидоят**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда ижтимоий характерга асосланган, экологик ва иқтисодий устуворликка қаратилган барқарор шаҳарсозлик деб номланган самарадор йўналиш фаол ривожланмоқда. Унинг бош мақсади рационал шаҳарсозлик ва ақлли архитектуруни уйғунлаштиришга йўналтирилган. «Ҳозирда шаҳарлар умумий аҳолисининг улуши 54,5% ни ташкил қилиб, 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 60% га етиши кутилмоқда»<sup>1</sup>. Ўз навбатида, бу шаҳарсозлик билан боғлиқ муаммолар ортишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон шаҳарсозлигида анъанавий ғояларга асосланган маҳаллий ҳудуд ва марказлар тузилмаларини комплекс тарзда қуриш мисоллари тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида маҳаллий ҳудуд ва марказлар тузилмаларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар барқарор ривожланиш принциплари асосида амалга оширилмоқда. Бундай тадқиқотларда асосий эътибор шаҳарларнинг янги ҳудудларда чексиз тарзда кенгайиб кетишининг чекланиши ва рад этилишига, шаҳарлар ўсиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга, шаҳарсозлик стратегияларини қайта кўриб чиқиш ва барқарор жамиятни шакллантиришга қаратилган<sup>2</sup>. Шунингдек илмий тадқиқотларда замонавий шаҳарсозликнинг тараққий этиш жараёнларини ҳамда янгича илмий ёндашувларни тадқиқ қилиш, маҳаллий ҳудуд ва марказларни тўғри ташкил этиш, турли функциядаги объектларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, шаҳарларнинг экологик устуворлигини ошириш билан биргаликда энерготехнологияларни қўллаш каби масалалар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада ҳаракатлар стратегияси асосида жадал суръатларда ривожланиб бораётган шаҳарсозлик соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, архитектура ва қурилиш тизимининг тубдан яхшиланиши баробарида қурилиш комплексини мамлакатнинг энг илғор соҳаларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилди. Айнан шунинг учун республикадаги шаҳарсозлик билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш масаласи бир неча мартаба кун тартибига олиб чиқилди. «Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда... Яқиний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиш беришдир»<sup>3</sup>. Бу борада «Ақлли шаҳар» ва «Хавфсиз шаҳар» концепцияларини ишлаб чиқишнинг самарали йўллари яратиш

<sup>1</sup> United Nations, Department of Economic and Social affairs, Population Division (2016). The World Cities in 2016-Data Booklet (ST/ESA/SER.A/392).

<sup>2</sup> Habitat III (2016) Revised Zero-draft of the new urban agenda. <https://www.habitat3.org/zerodraft>. Accessed 23 June, 2016.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил, 11 январь, 3-б.

лозимлиги долзарб масалалардандир<sup>4</sup>. Шу билан бирга бугунги кунда баъзи шаҳарларнинг бош планлари, қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳалари замонавий талабларга жавоб бермайди ва иқтисодий ўсиш суръатларига мувофиқ эмас. Шундай экан, маҳаллий ҳудудлар жамланмасини яратишга қаратилган ва шаҳар организмни ижтимоий-иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан оқилона ташкил этилишини кўзда тутувчи бош режаларни ишлаб чиқишга янгича ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПФ-5392-сон «Қурилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2946-сон «Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ-3646-сон «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўрисида»ги қарорлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳаллий шаҳарсозлик ҳудудлари ва марказлари тузилмасининг шаклланиши архитектурашуносликда нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. Замонавий шаҳарсозлик ҳамда функционал зоналаш принципига асосланган шаҳарлар ривожланишининг умумий масалалари бўйича кенг миқёсли тадқиқотлар Баранов Н.В., Нагиев Н.Г., Белоусов В.Н., Тарасова Л.Г. ва бошқа муаллифларнинг ишларида кўриб чиқилган<sup>5</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарларда аҳоли жойлашуви ва шаҳарлар бош планини тузишнинг янги принципларини излашга уринишлар амалга оширилган (Бабуров А.В., Гутнов Н., Лежава И.Г., Смоляр И.М., Косицкий Я.В., Лавров В.А., Малоян Г.А. ва бошқ.)<sup>6</sup>. Шаҳарсозлик назарияси бўйича айрим масалалар Глазичев В.Л., Иконников А.В., Яргина З.Н. ва бошқа муаллифларнинг ишларида кўриб чиқилган<sup>7</sup>. Барқарор шаҳарлар ривожланишининг принципларини излаш Пьер Лефевр<sup>8</sup> томонидан олиб борилмоқда. Манчестерлик шаҳарсозлар Д. Рудлин ва Н. Фальк томонидан шаҳардаги иморатлар зичлигини ошириш бўйича, шунингдек Англиядаги мавжуд шаҳар-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2017 йил, 30 ноябрь.

<sup>5</sup> Нагиев Н. «Современное градостроительство Азербайджана»; Тарасова Л.Г. «Взаимосвязь процессов управления и самореализации в развитии крупных городов». Саратовский университет 2009г.

<sup>6</sup> Гутнов А.Э., Лежава И. Г. Будущее города. Москва, 1977.

<sup>7</sup> А. В. Иконников. Архитектура XX века. Утопии и реальность : I, II том – Москва: Прогресс-Традиция, 2001-2002.; Яргина З. Н. Косицкий Я. В. Основы теории градостроительства. Москва. Стройиздат, 1986г.

<sup>8</sup> Лефевр, Пьер. Пьер Лефевр «Возможности архитектуры для устойчивого города» Institut Francais, Paris-Tashkent, 2013



боғларни реконструкцияси ва зичлаштирилиши бўйича Эбинезер Говарднинг шаҳар-боғлар концепциясига қарши бўлган таклифлар илгари сурилмоқда<sup>9</sup>.

Мойзер Ф. тадқиқотларида Тошкентнинг XIX аср охиридан ҳозирги кунга қадар архитектура ва шаҳарсозлиги ривожини очиқ берилган<sup>10</sup>. Д. Ю. Ломакина, Д. Парис томонидан олиб борилган тадқиқотларида Франциянинг барқарор ривожланиш глобал концепцияларининг алгоритми ишлаб чиқилган<sup>11</sup> ҳамда йирик агломерациялари ва метрополияларининг ривожланиш масалалари кўрилган<sup>12</sup>. Шу қаторда шаҳарларни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари Дж. Джекобс, К. Линч, С. Ровелар томонидан ўрганилган<sup>13</sup>.

Маҳаллий архитектурашуносликда шаҳарларни ривожлантириш йўллари излашга қаратилган бир қатор диссертация ишлари (Архангельский В.Е., Ноткин И.И., Аҳмедов М.Қ., Раҳимов К.Ж., Маноев С.Б. ва б.) бажарилган. Улар Ўзбекистон шаҳарларида янги ансамбль тузилмаларини яратиш бўйича бугунги кунгача кам қўлланилиб келинган шаҳарсозлик усуллари аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек, шаҳарсозликнинг ривожланиш тарихини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган (Асқаров Ш.Ж., Зияев А.А., Нозилов Д.А., Нильсен В.А., Пўлатов Х.Ш., Салимов О.М. ва б.)<sup>14</sup>. Шаҳарсозликнинг турли аспекти Қодирова Т.Ф., Латипов Д.В., Мирзаев М.К., Турсунов Х.К., Хидоятлов Т.А., Юсупова М.А., Муқимов Р.С., Мамажанова С.М., Рейимбаев Ш.С. ва бошқа муаллифларнинг шаҳарсозлик назарияси ва амалиётини бойитган ишларида кўриб чиқилган<sup>15</sup>. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари шаҳарлар реконструкцияси амалиёти учун асос бўлиб хизмат қилувчи катта ҳажмдаги материаллардан фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Маҳаллий ҳудудларни фазовий бошқариш масалалари бўйича Евстафьев А.И., Авдеева Т.Т.<sup>16</sup>, регионал бошқарув воситаси бўйича Моисеенков А.Р.<sup>17</sup> томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Шу билан бирга, бугунги кунгача барқарор ривожланиш шароитларида Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳаллий шаҳарсозлик ҳудудлари ва марказлари

<sup>9</sup> Rudlin, D. and Falk, N., *Building the 21st Century Home, The Sustainable Urban Neighborhood*, Oxford: 2009.

<sup>10</sup> Мойзер, Ф. Эстетика пустоты. Современная архитектура центральной Азии. Берлин: Verlagshaus Braun, 2002.

<sup>11</sup> Ломакина Д.Ю. Концепция устойчивого развития градостроительства Франции//дисс...кандидата архитектуры, Москва, 2010.

<sup>12</sup> Didier Paris. Les nouveaux enjeux pour les métropoles françaises : attractivité dans le contexte européen, développement de l'économie de la connaissance, développement durable et renforcement de la société civile dans la fabrique métropolitaine. Lille 2009.

<sup>13</sup> Lynch K. *The Image of the City*. – New–York: The MIT Press, 1985; Jacobs J. *The Death and Life of Great American Cities*. – New – York: Random House, 1961; Rowe C. and Koetter F. *Collage City*, Massachusetts: The MIT Press, 1978;

<sup>14</sup> Асқаров Ш.Дж. Генезис архитектуры Узбекистана. Ташкент: Санъат, 2014; Аҳмедов М.Қ. Меъморий мерос. Ташкент: Фан ва технология, 2011; Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 2009; Нозилов Д.А. Народное зодчество Узбекистана (XIX–XX вв.) // Мозийдансадо. – Тошкент, 2015; Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана. – Тошкент: Изд. литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1988г.

<sup>15</sup> Муқимов Р. С. Мамаджанова С. М. Зодчество Таджикистана. Душанбе: Маориф, 1990. Б – 160.

<sup>16</sup> Евстафьев А. И., Авдеева Т. Т. Регулирование пространственного развития города на основе деволупмента локальных городских территорий. <https://cyberleninka.ru/article/v/regulirovanie-prostranstvennogo-razvitiya-goroda-na-osnove-developmenta-lokalnyh-territoriy>

<sup>17</sup> Моисеенков А. Р. Формирование региональной политики развития локальных городских территорий. Автореферат дисс. кан. экон. Наук. Краснодар, 2014г.

тузилмасини ривожлантириш бўйича алоҳида комплекс тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация иши мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1-86 «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016) мавзусидаги фундаментал ҳамда ИОТ-2016-2-7 «Бухоро шаҳридаги «Чор Бакр» комплексини реконструкция қилишда фанга номаълум «Хатаба» усулини тадқиқ этиш» (2016-2017) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистондаги маҳаллий ҳудудлар ва марказлар тузилмасини шакллантириш принципларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистон шаҳарларининг шаклланиш усуллари ва ривожланиш босқичларини илмий асослаб бериш;

XX аср шаҳарсозлигида вужудга келган, ҳозирги кунгача қўлланилаётган экстенсив лойиҳалаш методидан янги усулга ўтиш заруратини асослаб бериш;

Ўзбекистон шаҳарсозлигидаги режавий тузилмаларининг таркибини ўрганиш, маҳаллий ҳудудлар ва марказларнинг инновацион шаклланиш принципларини белгилаш;

шаҳарларнинг ҳажмий-режавий ривожланиши бўйича илғор хорижий ғояларни аниқлаш ва уларнинг асосий тамойилларини Ўзбекистон шаҳарсозлигига тадқиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

шаҳарларнинг барқарор ривожланиши шароитида локал ҳудудларини такомиллаштиришнинг илғор усулларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистондаги кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарлар структуралари танлаб олинган, шунингдек айрим масалалар хорижий мамлакатлар мисолида ўрганилган.

**Тадқиқот предмети** барқарор ривожланиш шароитларида маҳаллий микротузилмаларни самарали ташкиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шаҳарлари ривожланишидаги режавий-композицион принципларни белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда материаллар таҳлили, статистик маълумотлар, қиёслаш, кузатув ва сўров ўтказиш каби усуллар қўлланилди ҳамда тарихий манбалар, махсус илмий адабиётлар, фото, аэро ва космик съёмкалар, чизмалар, архив материаллари, илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар, лойиҳавий ишланмаларни ўрганиш ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шаҳарларнинг режавий структуралари етти даврда: қадимги (Вара), антик (дуал), ўрта асрлар (уч қисмли), XIX аср (ҳалқасимон), колониал (нурсимон, икки структурали), социалистик (экстенсив), XXI аср (метаболик) да ривожланганлиги асослаб берилган;

шаҳарларнинг маҳаллий ҳудуд ва марказларининг шаклланишига даҳа, маҳалла, гузар, чорсу, раста, тим, хиёбон каби тарихий режавий-морфологик структуралар асос бўлганлиги аниқланган;

шаҳарсозликда маҳаллий ҳудуд ва марказларнинг ясси (туман, турар жой комплекслари, саноат ҳудудлари, боғлар ҳудуди), мажмуавий (ишбилармонлик ва маъмурий марказлар, транспорт тугунлари, эркин иқтисодий ҳудудлар), чизиқли (савдо кўчалари ва туристик маршрутлари билан боғланган тарихий мажмуалар, соҳилбўйи ландшафтлар, бульварлар, аллеялар) каби асосий морфологик турлари мавжудлиги аниқланган;

Эски Тошкент ҳудудининг Ҳақиқат кўчасида жойлашган Хўжа Аҳрор Валий мажмуаси таркибидаги жомеъ ва маҳаллий масжидлар, мадраса, маҳалла чойхонаси ҳамда қадимги Бинкетнинг шаҳристон девори ва дарвозасининг график реконструкцияси таклиф лойиҳалари яратилган;

маҳаллий ҳудудларда яшил йўлаклар ва белбоғлар шаклидаги кўкалам-зорлаштириш тизимини сегментсимон ва қобиксимон тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шаҳарнинг тарихий локал ва фазовий тузилмалари эстетик қиёфаларини модернизациялаш бўйича янгича методлар таклиф этилган;

шаҳарсозлик микротузилмалари шаклланишининг белгиланган принциплари асосида фойдаланилмаётган ҳудудлардан фойдаланиш ҳисобига замонавий амалиётга янгича ёндашиш имкониятини яратиш бўйича тавсиялар берилган;

шаҳарлардаги маҳаллий тузилмалар ва марказларни такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий принциплар бош режалар композицияларида яхлитликка эришиш имконини яратиши аниқланган;

маҳаллий ҳудудларни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ташкиллаштириш бўйича аниқланган принциплар асосида шаҳарларни режалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва илмий маълумотларнинг архитектура ва шаҳарсозлик лойиҳалаш институтлари амалиётига жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти экстенсив шаҳарсозликдан барқарор ривожланиш усулларида маҳаллий ҳудудлар ва марказлар реконструкциясининг илғор методларидан фойдаланган ҳолда ўтиш зарурияти илмий асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шаҳарларнинг реконструкцияси бўйича таклиф этилган самарадор усуллар шаҳарсозлик лойиҳалаш ишлари сифатини оширишга, шаҳарлар қиёфасини яхшилашга ва шаҳар ҳудудидан оқилона фойдаланишга хизмат қилиши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шаҳарсозликда маҳаллий ҳудуд ва марказларни тармоқлантириш мавзуси бўйича олинган илмий натижалар:

тарихий марказларни тиклаш ва реабилитация қилиш бўйича олинган натижалар Тошкент Эски шаҳар қисмининг Зарқайнар ва Ҳақиқат кўчаларидаги «Хўжа Аҳрор Валий мажмуасини қайта тиклаш» лойиҳасида амалга оширилган. (Тошкентбошплан ЛИТИ ДУК нинг 2012 йил 22 ноябрдаги НПО-3297-сон маълумотномаси). Олинган натижалар тарихий ҳудудларда шаҳарсозлик муҳитини яратиб, туристик потенциалини очиб беришга хизмат қилади;

маҳаллий ҳудудларни реконструкция қилиш усуллари, барқарор шаҳарсозликнинг ривожланиш тамойиллари бўйича олинган натижалар Тошкент шаҳрининг бош режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкентбошплан ЛИТИ ДУК нинг 2017 йил 7 декабрдаги НПО-4542-сон маълумотномаси). Илмий натижа Тошкент шаҳрининг бош режаси концепциясини ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

шаҳарлардаги маҳаллий ҳудуд ва марказларни анъанавий меъморчилик асосида ривожлантириш бўйича олинган натижалар Ф.1-86 «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини татқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2011-2016 йй.) фундаментал тадқиқотнинг «Замонавий шаҳарсозликнинг ривожланиш принциплари», «Миллий мустақиллик ғояси асосида Ўзбекистон архитектураси ва шаҳарсозлиги шаклланиши қонуниятлари ва самарали ривожланиш принциплари» қисмларини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги 89-03-1271-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мустақиллик даври шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш имконини берган;

ишбилармонлик марказлари ва транспорт ҳамда пиёдалар ҳаракатини тартибга солиш бўйича олинган натижалар Бухоро вилояти Шофиркон шаҳри ва Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ингичка қўрғони бош режаларини ишлаб чиқишда қўлланилган («Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2019 йил 24 апрелдаги 457-1/01-сон далолатномаси). Тадқиқот натижалари шаҳарларнинг инвестицион ва иқтисодий жозибадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий тузилмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан 3 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ривожланиш тарихи**» деб номланувчи биринчи бобда Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг шаклланиш масалалари, антик даврдан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган вақт оралиғида шаҳарсозлик тузилмаларининг шаклланиш босқичлари тадқиқ этилган. Боб аввалида Ўзбекистон шаҳарларининг юзага келиши учун асос бўлган омиллар батафсил кўриб чиқилиб, уларнинг антик даврдан бошлаб локал-генетик тузилмалари ўрганилган. Ўзбекистондаги айрим тарихий шаҳарларнинг XX аср давомида ривожланиш йўллари тадқиқ этилган. Бобнинг дастлабки қисмида маҳаллий шаҳарсозлик ҳудуди ва тугунлари атамаси ёритиб берилган.

Охириги йилларда маҳаллий ҳудуд ва марказларни қайта қуриш масалалари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунинг заминида шаҳарларни ривожлантириш муаммолари янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эмас, балки мажуд маҳаллий ҳудуд ва марказлардан рационал фойдаланиш йўли билан мақсадга эришиш мумкин. Маҳаллий ҳудуд ва тугунлар (МХТ) иборасини ушбу тадқиқот доирасида шаҳарлар қисмларини фазовий таҳлил қилиш, бошқариш ва ривожлантириш бирлиги сифатида қўлланилган. Маҳаллий ҳудуд ва тугунларни умумлаштирган ҳолда маҳаллий шаҳарсозлик тизимини (МШТ) ташкил этади. Ушбу тизим ҳудудларни ривожлантириш объектлари сифатида намоён бўлиб, ижтимоий хизматларнинг мавжудлигини таъминлаш, жойларда иқтисодий курсаткичларни ва инвестицион фаолиятини ошириш ҳамда экологик реабилитацияни таъминлаш маъносини ўзида акс эттиради.

Ўз навбатида марказ (тугун) – бу шаҳарсозлик тизимининг функционал ёки композицион фокуси бўлиб, бир вақтнинг ўзида бирор бир функциянинг жамланиш нуқтаси вазифасини бажаради<sup>18</sup>. Шаҳар ва туманлар мухториятининг ўсиши умумий ривожланиш концепцияси асосида ташкил этиш имкониятини берган ҳолда, уларни маҳаллий ҳокимият, инвесторлар ва аҳоли ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий алоқаларни ҳисобга олиш имкониятини беради.

Қадимги тарихчилар томонидан Трансоксиана (юнон-рум муаллифларининг асарларида), Турон (форс ва маҳаллий манбаларда), Моварауннаҳр (араб адабиётида) ва Туркистон, деб таърифланиб келган Марказий Осиё ўзининг тарихий-маданий ривожланиши даврида умуминсоний кадрятлар шаклланиши ва трансформацияси (вақт сайин ўзгариб боришида)

<sup>18</sup> Шагова А. А. Переходный метод: от градостроительства к градостроительству. <https://terraplan.ru/arhiv/46-6-24-2009/>

алоҳида ўринга эга бўлган. Буни бир қатор регионал, улар орқали халқаро маданий тузилмалар ривожланиши учун улкан туртки бўлиб хизмат қилган Ложувард (Лазурит), Ёкут, Буюк Ипак йўллари каби энг қадимги трансконтинентал савдо-сотик ва маданий алоқалар мисолида кўриш мумкин. Бу заминда Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий каби буюк исломий олимлар, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмий, таниқли математик ал-Фарғоний, буюк табиб Абу Али ибн Сино (Авиценна), ислом фалсафаси асосчиларидан бири ал-Форобий, буюк қомусчи олим ал-Беруний, буюк давлат арбоби Амир Темур, машҳур математик ва астороном Мирзо Улуғбек каби ёрқин шахслар туғилган вояга етган. Шу сабабли ҳам ушбу улкан ҳудуд маданиятини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳар бири маданиятлар кесишувининг ўзига хос маҳсули ҳисобланган шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши масалаларини шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Археологик тадқиқотлар натижасида Ашель (илк палеолит) давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудида одамлар яшагани исботланган. Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги тоғли зоналар ҳамда дарё водийлари палеолит ва бронза даврига оид ёдгорликлар аниқланган. Бу ҳудудда энг қадимги даврлардан муҳит урбанизациясигача бўлган инсон ҳаётидаги эволюцион ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Ўрта асрлар шаҳарларининг режавий тузилмаси бош савдо чорраҳа – Чорсу асосида шаклланган. Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий шаҳарлари ўз тузилмаларида Чорсу каби муҳим шаҳарсозлик бўғинига эгалар. Кейинчалик, шаҳарлар кенгайиши жараёнида бу бўғинлар ўзига хос полимарказларга айланган. Одатда, бу марказларда Биби Хоним, Регистон, Гўри Амир (Самарқанд), Пои Минор, Лоби Ҳовуз, Қўш Мадраса (Бухоро), Дор ус-Сиёдат ва Дор ут-Тиловат (Шаҳрисабз) каби меъморий ансамбллар бунёд этилган. Улар шаҳар каркаси тузилмасини, бошқача қилиб айтганда, шаҳар қурилиши принциплари скелетини ташкил қилганлар.

XVI асрда Ўрта Осиё Шайбонийлар давлати таркибига киритилган. Аввалига маъмурий маркази Хива шаҳри бўлган Хоразм, кейинчалик Фарғона водийси (маркази Қўқон ш.) алоҳида давлат сифатида ажралиб чиққан. XIX аср ўрталарига келиб Ўрта Осиё ҳудуди иккита хонлик – Хива ва Қўқон, ва Бухоро амирлигига бўлинди. Уччаласи ҳам қудорлик тузуми элементлари сақланиб қолган феодал бошқарувига эга ўзига хосдавлат ҳисобланар эди. Россияга қўшиб олинганидан кейин Ўрта Осиё Туркистон ўлкаси деб номланиб, саноат моллари ва пахта мануфактураси билан савдо қиладиган йирик бозор сифатида шаклланди. Ушбу даврда кўпгина янги шаҳарлар қурилиб, улар, асосан, Ўрта Осиёнинг қадимдан қарор топган марказлари ҳисобланган тарихий шаҳарларга ёндош бўлган ҳудудларда жойлаштирилиб, шаҳарларни «эски шаҳар» ва «янги шаҳар» қисмларга ажратилишига сабаб бўлганлар. Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарларида радиал-нурли тарзда режалаштирилган кўчалардан иборат янги зоналар пайдо бўлиб, кейинчалик улар янада кенгайиб ривожланиб бордилар. Бу шаҳарлар

реконструкцияси жараёнида мавжуд тарихий ядро мутлақо ҳисобга олинмаган эди.

Мазкур бобда Ўрта Осиё шаҳарлари тузилмаларидаги XX асргача бўлган генетик ривожланишни таҳлил қилиш асосида арк, шаҳристон, рабод, регистон, чорсу, даҳа, маҳалла, гузар ва чақар каби маҳаллий шаҳарсозлик элементлари батафсил кўриб чиқилган. Бобнинг якуний қисми XX асрда Ўзбекистоннинг айрим шаҳарларида бажарилган реконструкция амалиётини тадқиқ қилишга бағишланган. Маълумки, собиқ Совет даврида Ўзбекистонда, худди бошқа иттифоқдош республикаларда бўлган каби, Москва шаҳарсозлигига тақлид қилиш кузатиларди. Масалан, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг 1930-йиллар охирида тузилган бош режаларида Москва шаҳри учун хос бўлган радиал-ҳалқасимон схема яққол кўзга ташланади.

XX аср охирига келиб шаҳар ва аҳоли пунктларининг аксарият қисми истиқболли бош режаларга эга бўлиб, уларнинг амал қилиш муддати XXI аср бошларида ҳам кучга эга эди. Лекин, вазият ўзгаргариши муносабати билан, яъни мутақилликка эришилгандан кейин, эски бош режалар замонавий талабларга жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди. Уй-жой қурилиши бўйича Давлат дастурининг ривожланиши аҳоли сонининг ўсиш суръатларидан анча орқادا қолиб кетганди. Шаҳарларда якка тартибда уй-жой қурилиши деярли тақиқланган эди.

Мустақиллик шарофати билан яратилган шароитлар уй-жой қурилишини хусусий сектор маблағлари ҳисобига ривожлантириш имкониятини берди. Бу ҳолат мавжуд бош режаларда устувор ҳисобланган догмаларни умуман инкор қилинишига олиб келди. Тизимнинг ўзгариши шаҳарсозликнинг энг асосий шarti – шаҳар ташкил этувчи кадрлар базасини ҳам тубдан ўзгартира олди. Маълумки, 1957 йилда бўлиб ўтган шаҳарсозлар съездида айнан шу мезонга асосланган функционал шаҳарсозлик принциплари қабул қилинган эди. Унга кўра, шаҳар худудининг саноат, аҳоли истиқомат қилувчи, турар-жой ва рекреация зоналарга ажратилиши функционал шаҳарсозлик асосини ташкил қилар эди. Функционал шаҳарсозлик ғояси илк бор 1904 йил муҳандис Тони Гарнье томонидан ишлаб чиқилган «Индустриал шаҳар Сан-Этьен» схемасида қўлланилган ва функционализм услуби тарафдорлари учун намунавий модель сифатида хизмат қилиб келган. Ҳаттоки, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби дунёга танилган тарихий шаҳарлар реконструкциясининг XX асрда ишлаб чиқилган бош режалари функционал шаҳарсозлик принциплари асосланган эди. Бу функционал шаҳарсозлик услубининг нуқсонли эканини ва бугунги давр талабларига жавоб бермаслигини тасдиқлайди. Шаҳарсозлик соҳасининг ривожланиши барборида Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлар бош режаларининг таҳлили шуни кўрсатаптики, функционализм догмалари ўрнига янги концепция қабул қилиш лозим. Бунинг учун шаҳарларни режалаштириш масаласига турлича ёндошувларни кўриб чиқиш ва Ўзбекистон шаҳарлари шаклланиши ва трансформациясининг генезиси принциплари билан таққослаш талаб этилади.

**«Шаҳарлар ривожланишининг замонавий тамойиллари»** деб номланган иккинчи бобда хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган ва қўлланилаётган янги шаҳарсозлик концепциялари тадқиқ қилинган ва маҳаллий шаҳарсозликда уларнинг таъсир ўрганиб чиқилган.

Шаҳарсозлик соҳасидаги янги концепциялар замонавий шаҳарсозлик қарор топаётган даврда шаклланган бўлиб, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европадаги иқтисодий-ижтимоий ҳамда илм-фан ва техника соҳаларида рўй берган кенг миқёсли ўзгаришларга узвий боғланган эди. «Саноат инқилоби» дея таърифланувчи бу ўзгаришлар шаҳарларнинг иқтисодий асослари тубдан ўзгаришига ва шаҳар аҳолисининг кескин ўсишига сабаб бўлди. Улар капиталистик муносабатлар ва саноат ривожланиши учун кучли туртки хизматини ўтаб бердилар. Замонавий шаҳарсозлик саноат инқилоби ва техник ривожланиш маҳсули бўлган замонавий шаҳар юзага келишидан кейингина шаклланиши мумкин эди. Натижада замонавий шаҳарсозлик ғояларининг элементлари шакллана бошланди, уларни амалда тадбиқ этиш учун шароитлар юзага кела бошлади.

Шаҳарсозлик соҳасининг ривожланишига шаҳарлар муаммоларининг турли аспекти билан шуғулланган одамлар фаолияти сабаб бўлди. Улар қаторига Э. Говард, А.Сория, Т. Гарнье, Э. Энар, Ле Корбюзье, Ф.Л. Райт каби ўша давр шаҳарсозлиги назариячиларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда, шаҳарсозликнинг янги принциплари билан бирга, лойиҳалаш фаолияти жараёнида шаҳар ривожланишининг ички қонуниятларини ҳисобга олиш зарурияти ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўтган асрнинг 70-йилларида А.Э. Гутнов ва И. Г. Лежава «шаҳарни фақат инсоннинг қурилиш фаолияти учун объект сифатида кўрувчи замонавий шаҳарсозлик назариясининг принципиал чекланганлиги» ҳақида фикр билдирган эдилар<sup>19</sup>. Бундай ёндашув ижтимоий-иқтисодий, экологик, ҳудудий-ландшафт тизим сифатида шаклланиши лозим бўлган шаҳарнинг мураккаблик даражасига жавоб бермасди. Ўз навбатида, ноклассик рационаллик режага асосланган фикрлашнинг устуворлиги натижасида кутилган самарани бермади. Пухта ўйланган режалар фақат қисман амалга ошириларди, амалга оширилган лойиҳалар эса, аксарият ҳолларда, яшашга қобил бўлмай, жозибасиз бўлиб қолардилар. Ўтмиш лойиҳачилари учун шаҳар, гарчи илм-фан аҳли шаҳарда пухта ташкил этилган яхлитликни англашга ундасада, маълум йўриқнома асосида йиғиладиган механизм бўлиб қолаверди. Бу эса шаҳарлар қиёфасидаги бир хилликка, улардаги функционал-режавий тузилманинг соддалашишига олиб келди.

XXI аср шаҳарсозликда янги парадигмалар пайдо бўлгани билан тавсифланади. Шаҳарсозлик назариячиларидан бири Тарасова томонидан классик (шаҳар-ансамбль ғоясига йўналтирилган) ва ноклассик (босқичлари: индустриал, функционал шаҳар, агломерация, аҳоли пунктлари тизими. Шаҳарни механизм эмас, ўзини бошқара оладиган организм сифатида қабул қилиш) парадигмалари келтирилади. Бу ғоянинг айрим жиҳатлари К.Курокава

---

<sup>19</sup> Гутнов А. Э., Лежава, И. Г. Будущее города. Москва 1977.



томонидан бамисоли тирик организм каби пайдо бўла олиш ва йўқ бўлиш қобилиятига эга метаболик шахарлар парадигмасида қўллаб-қувватланган<sup>20</sup>. Курокава, айрим ҳукумат биноларини истисно қилганда, шахар биноларини ташқи кўринишини шакллантиришда эскирган ва нораціонал элементлардан воз кечди. Курокава томонидан лойиҳаланган Куала-Лумпурдаги Эко-Медиа Сити бунёд этилганидан кейин чўлда ривожланаётган Остона XXI асрнинг янги пойтахти сифатида тан олинди. Замонавий шахарсозлар лойиҳаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги куннинг бош режаси қатъий шахарсозлик каркаси ва композицион формализмдан қочиши керак.

1983 йил атроф-муҳитнинг аҳволи, табиий ресурслар ва инсон ҳолатининг ёмонлашуви сабабли тузилган Гру Харлем раислигидаги БМТ комиссияси «барқарор ривожланиш» атамасини амалда қўллай бошлади. Комиссиянинг хулосаси қуйидагича таърифланган эди: бугунги авлод ўз эҳтиёжларини қондириш баробарида кейинги авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларига зарар етказмаслиги зарур.

Барқарор ривожланиш концепцияси қуйидаги учта принципга асосланади:

1) Иқтисодиёт ва экология ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, яъни ривожланишнинг шундай даражасига эришиш лозимки, одамлар ишлаб чиқариш ёки бошқа иқтисодий фаолиятларида ўзлари яшаётган муҳитни бузмасликлари керак;

2) Иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мувозанатга эришиш, яъни иқтисодий ривожланиш орқали эришилган барча ресурслардан аҳоли манфаатлари учун максимал тарзда фойдаланиш;

3) Ривожланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда нафақат бугунги авлод, балки ресурсларга тенг ҳуқуққа эга бўлган кейинги авлод манфаатлари ҳам кўзда тутиш.

Бу ерда барқарор шахар яратишнинг 8 та принципи келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: тарихий шахар ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ва тиклаш; одамлар учун самарали энергетика ва микроиклим яратиш; ифлосланган участкаларни соғломлаштириш; муниципал субъектлар молиявий имкониятларини бирлаштириш; қаттиқ чиқиндилар утилизацияси; узлуксиз сув таъминоти ва канализация тизимини яратиш; жамоат транспорти роли ва самарадорлигини ошириш; аҳолининг барча қатламларининг ижтимоий интеграцияси. Бутун дунёда барқарорлик шахарнинг ажралмас компоненти ҳисобланади. Тарихдан маълумки, барча даврларда барқарорлик турлича кўриниш ва шаклларда намоиш бўлган ва эътироф этилган. Ўтган даврлардаги барқарор шахарсозлик таҳлили унинг энг аҳамиятли элементларини аниқлашга ёрдам беради. Ривожланишнинг турли даврларидаги барқарор шахарсозлик учун асосий ҳисобланган жиҳатлардан бугунги кун барқарор шахарларини яратишда фойдаланиш мумкин. Ушбу характеристикалар асосида икки энг муҳим, энг долзарб ҳисобланган келажакни яхшилаш ва мустақкам шахар муҳитини яратиш стратегиялари

<sup>20</sup> Ф. Мойзер. Эстетика пустоты. Современная архитектура центральной Азии. Berlin, VerlagshausBraun. 2002.

белгиланган. Бунда шаҳарлардаги экологик сифатлар ва тизимларни сунъий тарзда ташкил қилинган табиий ландшафтлар ҳисобига тиклаш кўзда тутилади. Брундтланд доклади шаҳарсозлик назарияси ва амалиётига кучли таъсир қилиш баробарида ўтган бир неча йилларда барқарор ривожланиш концепциялари ва принциплари учун асос бўлиб хизмат қилиб келди. Ушбу мақсадларнинг яқунлари сифатида энг кўп қайд этиладиган ҳужжат Фрайбург хартияси<sup>21</sup> ҳисобланиб, унда барқарор ривожланишнинг учта принципи белгилаб берилган: макон-фазовий ривожланиш, мазмун ва жараён. Ушбу принципларни барқарор шаҳар лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар сифатида қабул қилиш мумкин. Барқарор шаҳарсозликнинг асосий мақсадлари, бу ихчамлилик, зичлик ва одамлар учун қулайлик яратишдир.

**«Шаҳарлардаги маҳаллий ҳудудлар ва марказларнинг такомиллаштирилиши»** деб номланган учинчи бобда мустақиллик йилларида шаҳарлар ривожланишининг янги принциплари ўрганилган. Ушбу бобда бутун ҳудуднинг концептуал ривожланиши, бинолар гуруҳи, меъморий ансамбллар ва комплексларнинг уйғунлаштириш принциплари ва усуллари ҳисобга олган ҳолда локал зоналарни ташкил этиш ва реконструкция қилиш методлари келтирилган. Маҳаллий лойиҳалаш методининг афзалликлари, ушбу методни қўллаш бўйича асосланган таклифлар ва тавсиялар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши шаҳарсозликнинг янги даври бошланишини белгилаб берди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, хўжалик бошқарувининг янгича шароитлари, бозор иқтисодиёти ва мулкка бўлган янгича муносабатлар шаҳарсозлик соҳасидаги лойиҳалаш ишларига янгича ёндашувни талаб қилиши табиий ҳол эди. Бу давр кичик ва ўрта бизнес ривожланиши, қурилишда хусусий инвесторлар улуши ортиши, яқка тартибда уй-жой қурилишига тақиқнинг бекор қилиниши сабабли хусусий сектордаги кам қаватли турар-жой бинолари сонининг кескин ортиши билан тавсифланади. Давлат томонидан белгиланган қатъий режалаштириш сиёсатининг рад этилиши фақат давлат инвестициялари билан амалга ошириладиган бош режаларни ишлаб чиқиш амалиёти мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб берди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи бош режаси 1997 йил Тошкентбошплан лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилди. Республика пойтахти илк бор шаҳар атрофидаги ҳудудлар билан биргаликда Катта Тошкент сифатида кўриб чиқилди. Бунда Катта Парижни лойиҳалаштириш бўйича шунга ўхшаш дастур ҳам мавжуд бўлганини ҳам қайд этиш лозим. Янги бош режага асосан ўз таркибига шаҳарга туташ ҳудудларни олган биринчи ҳалқа ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Бош режанинг янги схемаси, бу бош режанинг техник-иқтисодий асосланиши ва, хусусан, шаҳарнинг бош режасидан иборат яхлит бирикмадир. Буни ҳудудлардан фойдаланишда қатъий регламентнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бош режа асосий шаҳар бўғинлари ва умумшаҳар инфратузилмасини ўз ичига олган каркасга эга бўлиб, бу ҳолат лойиҳанинг вазиятга мослашувчанлиги ва узоқ муддат давомида амал

---

<sup>21</sup> Daseking W, Kähler B, Kemnitz G (2012) The Freiburg charter. Stadtplanungsamt, Freiburg

қилишини таъминлайди. Янги бош режанинг ҳисобий санаси 42 минг гектарли ҳудудда аҳоли сони 2,7 млн. кишини ташкил қилиши шартида 2017 йил деб белгиланган эди.

Мустақиллик даврида амалга оширилган ислохотлар индивидуал сектор ҳисобига амалга ошириладиган уй-жой қурилишини тезкор суръатларда ривожлантириш имкониятини яратиб берди. Эски тизимнинг бекор қилиниши шаҳарсозликнинг асосий шarti – шаҳар ташкил этувчи кадрлар базасини ҳам бекор қилинишига олиб келди. Маълумки, айнан шу асосий шарт 1957 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ шаҳарсозлар съездида қабул қилинган функционал шаҳарсозлик методининг асосий мезони ҳисобланар эди.

Бугунги кунда ҳудудни ривожлантиришда шаҳар чегараларини асосиз кенгайтирилишига сабаб бўладиган шаҳар ривожланишини номаълум муддат учун прогнозлаш эмас, балки алоҳида маҳаллий (локал) ҳудудларни реконструкция қилиш ва ривожлантириш масаласи устувор ҳисобланади. Мазкур доктринага мувофиқ шаҳарларни мавжуд чегаралар доирасида имкон қадар ривожлантириш, сақлаш, қўллаб-қувватлаш лозим ва бу вазифалар бошқарувнинг барча йўналиш ва босқичларида бажарилиши керак.

Ўзбекистонда шаҳарсозлик ҳолатини таҳлил қилиш шартли равишда маҳаллий шаҳарсозлик тизими турларини ажратиб олиш имкониятини берди:

тарихий ҳудудлар, ансамбллар ва комплексларининг маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари;

турар жой гуруҳлари ва комплексларининг маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари;

шаҳар боғлари, парклари, табиий ва сунъий ландшафтлар (каналлар, кўллар, дарё соҳиллари) маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари;

марказий шаҳар кўчалари ва йўл бўйи ижтимоий ҳудудларинг маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари;

маъмурий-ижтимоий ва бизнес марказларнинг маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари;

ишлаб чиқариш ҳудудлари ва омборхоналар маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари.

Юқорида келтирилган маҳаллий шаҳарсозлик тизимларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилиб, уларни замонавий шаҳарсозлик шароитида такомиллаштириш, реконструкция қилиш ва ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тура жой гуруҳлари ва комплексларининг маҳаллий шаҳарсозлик тизимлари доирасида маҳаллий ҳудудлар икки туркумга ажратилиб: а) мавжуд тура жой ҳудудларини қайта қуриш ва зичлаштириш; б) янги ҳудудларда тура жойлар комплексларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунда асосий эътибор, биринчи туркум бўйича ушбу ҳудудларни анализ қилиш жараёнида бу ерда ўзбошимчалик билан мавжуд тура жойлар ҳовлилари, болалар майдонлари ҳисобидан кўп қаватли уйлар, 2-4 қаватли маҳалла гузарлари, ресторан, овқатланиш шаҳобчалари барпо этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Тошкент шаҳри мисолида бундай бизнес объектларнинг кўпроқ қайси туманларининг аҳоли яшаш ҳудудларига тадбиқ

этилганлиги ўрганиб чиқилди. Шартли равишда бундай қурилмалар «нуқтали» қурилмалар номини олиб, уларнинг концентрацияси аниқланди, ва олинган маълумотлар натижасида улар асосан шаҳарнинг марказий, аҳоли учун қулай, зичлиги баланд, яхши ободонлашган ва болалар майдончалари билан жиҳозланган ҳудудларда амалга оширилганлиги аниқланди. Мавжуд турар жой ҳудудлари маҳаллий шаҳарсозлик тизимини яхшилаш, уларни зичлаштириш йўлида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди: шаҳар стратегик плани асосида ҳудуднинг локал планини ишлаб чиқиш, шунда шаҳар бўйлаб режалаштирилган «яшил коридорлар», улар бўйича ташкил этилган пиёдалар ҳаракатини узлуксизлигини таъминлаш; кўчалар бўйлаб чизиқли ҳудудларда кўп қаватли турар жойларнинг биринчи қаватларида чакана савдо сотиқ объектлари, хизмат кўрсатиш объектлари, ва бошқа турдаги бизнес объектларини жойлаштириш; қайта қуришнинг барча методларини қўллаган ҳолда керакли қисмларда фрагментал қўллаш; янги структураларни шакллантиришда, мавжуд барқарор элементларни ҳисобга олиш, ва уларга мос равишда қуриш; умумфойдаланиш объектларини ҳудуд бўйлаб бир текисда жойлаш; қўшимча боғчаларни ташкил этишда ҳудуднинг ичкари қисмларида жойлашган турар жойларнинг биринчи қаватларидан фойдаланиш; кўп қаватли автомобиллар тураргоҳларини ташкил этиш; ҳудуднинг мавжуд турар жойларига ноқулайлик туғдирмаган ҳолда маҳалла гузарлари ва улар таркибида ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш; реконструкция жараёнида ижтимоий-йўналтирилган ёндашув тарзида аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг истакларини ҳисобга олиш.

Ўзбекистон шаҳарсозлигида амалга оширилаётган ўзгаришлар келгусида ишлаб чиқиладиган бош режа лойиҳаларида албатта акс эттирилади. Республикада фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ҳам барча замонавий талабларга жавоб беришлари керак. Барча меъёрларга риоя қилиш шартида бундай объектлар турар-жой ҳудудларига максимал яқинлаштирилиши мумкин. Шунингдек, шаҳар ривожланишини режалаштиришда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари; катта бўлмаган зарарсиз ишлаб чиқариш корхоналари; хусусий тиббиёт ва таълим муассасалари каби кичик ва ўрта бизнес объектларининг ҳам жойлаштирилиши ҳисобга олиниши зарур.

Шаҳар тузилмасига ландшафт архитектураси элементларининг кенг жалб қилиниши, жумладан яшил зоналар, яшил ҳалқалар ва йўлаклар ташкил қилиниши, шаҳарларнинг марказий қисмларида кўп функцияли индивидуал иморатлардан иборат комплекслар қурилиши, кичик ва ўрта бизнес объектларининг жойлаштирилиши каби янги тенденциялар кузатилмоқда ва шаҳарлар бош режаларини лойиҳалашда уларни ҳисобга олиш талаб этилади.

## ХУЛОСА

«Шаҳарсозликда маҳаллий ҳудуд ва марказларни тармоқлантириш» мавзуси бўйича бажарилган фалсафа доктори (PhD) диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларнинг юзага келиши эраמידан олдинги биринчи минг йилликка бориб тақалиши ва шаҳарлар вар, икки қисмли (вақт ўтиши билан уч қисмлига айланган), мунтазам (дуал) деб номланувчи 3 композиция асосида шаклланиши аниқланди.

2. Уч қисмли шаҳар тузилмасининг ярим доира-нурсимон композиция асосида ривожланишига оид янги принциплар XIX асрда вужудга келгани ва бу йўналиш шаҳарнинг тарихий тузилмасидаги анъанавий шакллар табиий ривожланишига тўсқинлик қилгани аниқланди.

3. Тарихий шаҳарлар таркибидаги тарҳий структуралар (даҳа, маҳалла, гузар, чорсу, раста, тим, хиёбон, кейинчалик туман, район, микрорайон) бугунги кундаги маҳаллий ҳудудлар ва марказларнинг шаклланишига олиб келган.

4. Дунё шаҳарсозлигининг бугунги кундаги амалиётида экстенсив шаҳарсозлик принципларидан воз кечиш ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш жараёнига ўтиш тенденцияси кузатилаётгани исботланди.

5. Шаҳарларнинг маҳаллий реконструкцияси бўйича илғор методнинг қуйидаги хусусиятлари тавсия этилади:

улкан ишлаб чиқариш ҳудудларининг кичик ва ўрта бизнес объектлари, рекреация, маданий-маърифий, турар-жой объектларига ўзгартирилиши;

шаҳарсозлик амалиётига яшил зона ва йўлаклар, ландшафт дизайни элементларининг кенг қўламда тадбиқ қилиниши;

«Хавфсиз шаҳар» ва «Ақлли шаҳар» лойиҳаларини ташкил қилиш ва амалга ошириш билан бирга шаҳарлар барқарор ривожланишини ташкил қилиниши.

6. Монофункционал аҳоли пунктларини лойиҳалаш амалиётидан полифункционал ҳудудларни лойиҳалашга ўтишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланди.

7. Янги бош режаларни ишлаб чиқишда қуйидаги шаҳарсозлик усулларидан фойдаланиш тавсия этилади:

шаҳарнинг марказий кўчаси таркибида ижтимоий соҳа, маданий-маиший ва савдо ҳамда бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектлари бўлган турар-жой биноларини қуриш;

кичик ва ўрта бизнес объектларининг шаҳарнинг бутун ҳудуди бўйича бир маромда жойлаштирилиши ишлаб чиқариш зоналаридаги юклар бир меъёрда тақсимланиш имкониятини яратади.

8. «Ақлли шаҳарлар» барқарор ривожланиши учун шароитларни таъминловчи маҳаллий ҳудудлар ва марказлар тузилмаси шаклланишининг асосий принциплари белгиланди.

9. Маҳаллий ҳудуд ва марказларни тармоқлантиришни тизим сифатида ўрганилиши замонавий реконструкция амалиётидан келиб чиқади. Шундай

ҳудудларнинг ривожланиш тамойили уларнинг қуйидаги фазовий-тарҳий турларига бўлиниши аниқланди: а) компакт яҳлит маҳаллий-шаҳарсозлик ҳудуди; б) тармоқлашган тизим ёки жамланган шаҳарсозлик маркази (туғуни).

10. Маҳаллий туғун ва марказларнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ва тарҳий қўлланишининг таҳлили натижасида қуйидаги Ўзбекистон шаҳарлари учун характерли бўлган турлари аниқланди:

а) шаҳар маҳаллий ҳудудларининг морфологик турлари: чизиқли (кўча, сув оқимлари бўйлаб соҳиллар, бульварлар); ясси (туман, турар жой комплекслари, саноат ҳудудлари, боғлар ҳудуди);

б) шаҳар маҳаллий марказларининг морфологик турлари: жамланган компакт (шаҳар ишбилармонлик ва маъмурий марказлари, саноат марказлари транспорт туғунлари, эркин иқтисодий ҳудудлар); тизимли тармоқлашган марказлар (ўзаро савдо кўчалари ва туристик маршрутлари билан боғланган тарихий мажмуалар, соҳилбўйи ландшафтлар, бульварлар, аллеялар билан боғланган шаҳар парклари тизими).

11. Маҳаллий шаҳарсозлик ҳудудлари ва марказларининг инвестицион жозибadorлиги шаҳарлар бўйича бир текисда эмаслиги аниқланди. Турли ҳудудларда қурилган бир хил объектларнинг сотилиш нарҳи бир қатор факторларга (марказга мувофиқ жойлашуви, транспорт тизимининг ташкил этилганлиги, иш, дам олиш жойларининг ташкил этилганлиги, инфратузилмаларнинг мавжудлиги) боғлиқлигини белгилайди. Шу сабабдан алоҳида маҳаллий ҳудудларнинг иқтисодий таҳлили асосида қурилмаларнинг зичлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC  
DEGREES DSC.27.06.2017.A.11.02 AT  
TASHKENT INSTITUTE OF ARCHITECTURE AND CIVIL ENGINEERING  
TASHKENT INSTITUTE OF ARCHITECTURE AND CIVIL ENGINEERING**

**NAZAROVA DINARA AVAROVNA**

**STRUCTURAL FORMATION OF LOCAL  
URBAN AREAS AND NODES**

**18.00.02 – Regional planning. Town planning. Planning of rural settlements.  
Landscape architecture. Architecture of buildings and structures.**

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)  
ON ARCHITECTURE**

**Tashkent – 2020**

**The theme of doctoral dissertation (PhD) is registered at the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2017.2.PhD/A6.**

The doctoral dissertation (PhD) has been carried at Tashkent architectural construction institute.

The abstract of the dissertation is posted in two (Uzbek, Russian) languages on the website of Scientific Council <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html> and on the website of «ZiyoNet» Information and educational portal [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Scientific consultant:** **Reyimbayev Shukhrat Saydullayevich**  
candidate of architecture, docent

**Official opponents:** **Salimov Arifjan Muslimovich**  
Doctor of architecture, professor

**Balgayev Abdisamad Balgayevich**  
Philosophy Doctor in architecture

**Leading organization:** **«Toshkentboshplan Project Scientific Research Institute»  
State Unitary Enterprise**

The defense of the thesis will be held on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 \_\_\_ at \_\_\_\_\_ at the meeting of Scientific Council No DSc.27.06.2017.A.11.02. at the Tashkent architectural-construction institute (Address:100011, Tashkent city, A. Kadiry., 7B. Tel.:+99871 235-43-30, Fax: +99871 234-15-11. Web:www.taqi.uz, e-mail: devon@taqi.uz.Conference hall of the architecture faculty).

The doctoral dissertation has been registered in the Information Resource Centre of the Tashkent architectural-construction institute. It is possible to review it in IRC(100011, Tashkent, Navoi Str., 13) Phone: +99871 244-63-30, Main building, 1<sup>st</sup> floor.

The abstract of dissertation is distributed on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020.

(Registry record № \_\_\_\_\_ dated «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020).

**D.A. Nazilov**

Chairman of the Scientific Council  
Awarding scientific degrees, Doctor of  
Architecture, professor

**T.Sh. Mamatmusaev**

Secretary of Scientific Council Awarding  
scientific degrees, Doctor of Architecture

**T.A. Hidoyatov**

Chairperson of the Scientific Seminar at the  
Scientific Council Awarding scientific  
degrees, Doctor of Architecture, professor



## INTRODUCTION (abstract of the PhD thesis)

**The purpose of research work:** it consists of enhancement of urban planning methodology via introduction of new principles of structuring of local territories and nodes.

**Research object:** town planning structures of small, medium, large and huge cities of Uzbekistan. Some questions are studied on the example of foreign countries.

**Scientific novelty of the scientific work is as follows:**

the formation and development of planning structures of cities in seven chronological periods is substantiated: ancient (Vars), antique (dual organization), medieval (three-part), until the end of the 19th century (ring), colonial (two-structure), socialist (extensive), 21st centuries (metabolic)

the following historical planning and morphological structures that form local urban areas and nodes of cities of Uzbekistan are revealed: Dakha, Mahalla, Guzar, Chorsu, Rasta, Tim, Khiyaban;

as a result of the analysis of socio-economic and modern planning use of locally urban planning systems (LUS), the following morphological types of local urban planning territories (LUT) and nodes were identified: planar (district, residential groups, industrial zones, parks), concentrically compact (business centers of the city; industrial centers, transport hubs, free economic zones), linear (historical complexes interconnected by shopping and tourist streets, lines of embankments, boulevards, alleys);

the project proposal for the graphic reconstruction of the Khoja Akhror Vali complex, located on Hakikat str., consisting of a Friday mosque, a madrasah, a quarter mosque, a teahouse, a section of the fortress wall of ancient Binket with an entrance gate;

substantiated the widespread use in local urban planning systems of devices for the construction of green corridors and belts, using wedge-shaped and segmented gardening.

**Implementation of the results of research.** The main points of the research results were introduced:

in an architectural project for the rehabilitation of the Old-Town building in Tashkent, Zarkainar and Khakikat street «Recreation of the Khoja Akhror Vali complex» (Act of implementation of the Toshkentboshplan PSRI SUE № SDD - 3297 from 22/11/2012.). The results of the implementation served to improve the urban development environment in historical areas;

in the development of the concept of the master plan for the city of Tashkent (Act of implementation of the Toshkentboshplan PSRI SUE № SDD – 4542 from 07/12/2017). The research materials used in the concept of a new general plan for the city of Tashkent have increased the artistic value of the traditional and new buildings;

in the fundamental research of F1-86 «Study of the laws of formation and development, as well as the development of principles for the effective implementation of architecture and urban planning of Uzbekistan based on the idea of national independence» (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan No. 89- 03-1271 from 03/02/2018). The

main scientific results obtained on the formation and development of local urban areas and nodes were used as experimental approbation, by justifying the development of innovative urban planning based on the methodology of a «sustainable», «smart», «safe» city and in preparing the following chapters of the abstract on the basis of fundamental Research: «Principles of development of modern urban planning»; «Patterns of formation and principles of effective development of the architecture of Uzbekistan based on the ideology of independence»;

the results of studies on the organization of business centers and the regulation of pedestrian traffic were reflected in the development of master plans for Shafirkan of Bukhara and Kattakurgan in the Samarkand regions (Information No. 457-1 / 01 of the Main Design and Research Institute of Kishlokkurilishloyikha LLC dated April 24, 2019) The results of the study made it possible to increase the economic and investment attractiveness of cities and the development of social infrastructure.

**The structure and scope of the thesis.** The thesis has the following structure: introduction, 3 chapters, conclusions, bibliography and applications, with a total volume of 156 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I часть (I бўлим; I part)**

1. Nazarova D. A. To The Issue of Sustainable Development Of Architecture And Urban Planning Of Independent Uzbekistan// International journal of scientific & technology research. – France/India, 2016. – vol. 5, ISSUE 11. – pp. 222-224. (18.00.00. Европа мамлакатлари нашрлари. №4).

2. Назарова Д. А. «Ландшафтно-градостроительные решения в улучшении экологии городов Узбекистана// Меъморчилик ва қурилиш муаммолари (научно-технический журнал) – Самарқанд, 2013. – №4. – С. 14-17. (18.00.00. №2).

3. Назарова Д. А. Некоторые проблемы развивающихся городов // Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2013. – №3. – С. 13-18. (18.00.00. №1).

4. Назарова Д. А. Тенденции решения городских территорий от функционального зонирования к полифункциональному назначению// Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2014. – №1. – С. 3-6. (18.00.00. №1).

5. Назарова Д. А. Реабилитация исторических жилых структур города Ташкента// Материалы конференции развитие туризма в градостроительстве, Баку, 2016г., С.170-172.

6. Назарова Д. А. Основные тенденции реабилитации и развития локальных территорий в крупных городах// Международная конференция «XXI век и исторические исламские города – II» Баку, 2017 г. – С. 122-127.

7. Назарова Д. А. Сохранение исторической среды городов в современном градостроительстве// Современная архитектура и инновации. – Ташкент: ТАСИ, 2012. – С. 145-148.

8. Назарова Д. А. Использование малых форм в локальной реконструкции городов// Архитектура қурилиш фани ва давр XXI аънавий конференция материаллари. – Тошкент: ТАҚИ, 2013. – С. 12-14.

**II часть (II бўлим; II part)**

9. Akhmedov M. K., Nazarova D. A. Recreation of Sheikh Khodja Akhror Vali Historic complex // International journal of scientific & technology research. – France/India, 2014. – vol. 3, N 12. – pp. 300-303. (18.00.00. Европа мамлакатлари нашрлари. №4).

10. Назарова Д. А., Ахмедов М. К. Некоторые вопросы градостроительного проектирования// Архитектура и строительство Узбекистана. – Тошкент, 2012. – №5/6. – Б. 28-32. (18.00.00. №7).

11. Назарова Д. А., Ахмедов М.К. Вопросы градостроительного проектирования в условиях независимости// Халқаро симпозиум Архитектурная среда: современность, перспективы материаллар тўплами. – Душанбе: М. С. Осими номли Тожикистон техник Университети, 2012й. – Б. 18-19.

12. Назарова Д. А., Ахмедов М.Қ. Тошкент Эски шаҳар қисмини сақлашнинг долзарб вазифалари// Архитектура, қурилиш, дизайн. – Тошкент, 2013. – №1. – Б. 3-7. (18.00.00. №1).

13. Назарова Д. А., Ахмедов М.К. О значении архитектурных ансамблей в градостроительстве Узбекистана// Материалы международной конференции Архитектурное образование и архитектура Таджикистана: 50 лет развития и совершенствования. – Душанбе: Таджикский технический университет им. Осими. Группа Кнауф СНГ, 2013. – С. 28-34.

14. Назарова Д. А., Ахмедов М. Қ. Архитектурные ансамбли и некоторые вопросы расселения в эпоху Абдурахман Джами// Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной 660 летию Абдурахмана Джами. – Душанбе: Научная Академия Таджикистана, 2014, – Б.415-423.

15. Назарова Д. А. Хатаба технологияси ва унинг ёдгорликларни сақлашдаги аҳамияти ҳақида// Архитектура ва қурилиш соҳаларида инновацион технологияларни қўллаш истиқболлари мавзусидаги халқаро илмий-техник конференция. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2016. – С. 124-128.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн» журнали таҳририятида  
таҳрирдан ўтказилди (\_\_\_\_\_ 2020 йил).

Босишга рухсат этилди: 08.01. 2020 йил.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>, «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 2,9. Адади: 100. Буюртма: № 7.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»  
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.